

*муваффақият калити*

НАПОЛЕОН

ХИЛЛ

ЎЙЛА

ВА

БОЙ БЎЛ

52 ҲАФТА УЧУН 52 РЕЖА



Муваффақият умиддан бошланади  
Дунёқараши кенг одам бойиб бораверади  
Фикри қашшоқ одам камбағаллашаверади  
Қийинчиликлар муваффақият даракчиси  
Фарзандингизни омадсиз қилманг

*муваффақият калити*

---

# НАПОЛЕОН ХИЛЛ

ЎЙЛА  
ВА  
БОЙ БЎЛ

52 ҲАФТА УЧУН 52 РЕЖА



ТОШКЕНТ  
2016

УЎК: 159.9

КБК: 88.37

Х – 50

**Хилл, Наполеон**

Ўйла ва бой бўл: 52 ҳафта учун 52 режа. Наполеон Хилл /  
Таржимон: Муҳаббат Йўлдошева. – Тошкент: Янги аср авлоди,  
2016. – 144 б.

ISBN 978-9943-27-878-3

Наполеон Хилл кишиларнинг ўз ички имкониятлари ва қобилиятларини юзага чиқаришга, натижада руҳан ва маънан соғлом, бой бўлишга ёрдам берадиган бир йиллик режа тузишни таклиф қилди. 52 ҳафта учун тузилган 52 ҳаётий режа Наполеон Хиллнинг ўзини маълум ва машҳур қилди. Мазкур қоидалар асосида ўз ҳаётлари ва фаолиятларини йўлга қўйган кишилар ҳақиқатан юксак муваффақиятларга эришган.

Сиз ҳам соғлом, бахтли, бадавлат бўлишингиз мумкин. Буларнинг барига эришиш учун истак ва кучли хоҳиш бўлса кифоя. Мазкур китобда келтирилган омадли бўлиш қоидалари ҳаётий мақсадларингизни амалга оширишда, олдинга ҳаракатланишда сизни беҳад руҳлантиради.

Китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 159.9

КБК: 88.37

**Таржимон:**  
**Муҳаббат Йўлдошева,**  
**Ўзбекистон Ёзувчилар**  
**уюшмаси аъзоси**

ISBN 978-9943-27-878-3

© Наполеон Хилл, «Ўйла ва бой бўл: 52 ҳафта учун 52 режа». «Янги аср авлоди», 2016.

## КИРИШ

Ўн йил давомида (1950–1960 й.) Наполеон Хилл билан бирга, унинг бош менежери сифатида ишлаш бахтига муяссар бўлдим. Ҳамкорликда ишлаган вақтимизда маърузалар, китоблар, кинофильмлар ва шахсий маслаҳатлар ажойиб натижаларга эришишимизга ёрдам берди. Минглаб одамларни шахсий хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда ўз хатти-ҳаракатларининг сабабини аниқлашга ва асл ҳаётий қадриятларга, шунингдек, молиявий ва иш борасида ютуқларга эришишга ўргата олдик.

Бироқ, вақти келиб, бу қоидаларни ўзлаштирган жуда кўплаб одамлар улардан ҳаётда фойдаланишни уddалай олмаганлари, руҳи тушиб, қўли ишга бормай қолгани маълум бўлди. Шунда сабабият (ҳаракат қилишга ундовчи сабаб) худди ўтин ташлаб турилмаса ўчиб қоладиган оловга ўхшашини ва уни мунтазам қўллаб-қувватлаб туриш кераклигини пайқадик.

Шу тариқа, биз сабабият ёлқинини сақлаб туриш учун доктор Хилл билан биргаликда «Success Unlimited» журнаliga асос солдик. Унда ёритилувчи мақолалар ёрдамида ўзини янги, янада юксак чўққилар сари йўналтираётган инсонлардаги иштиёқни озиқлантириб турдик. Оқибатда ажойиб натижаларга эришдик: энди минглаб одамлар журнализмга ўзидаги иштиёқнинг доимий манбаи сифатида қарай бошлади.

Ушбу китобга киритилган мақолалар дастлаб «Success Unlimited» журналида чоп этилганди. Доктор Хиллга бўлган қизиқиш тобора кучаяётгани туфайли ҳам Наполеон Хилл Жамғармаси уларни нашр этишга қарор қилди. Чунки ҳар бир мақола унинг бестселлерга айланган «Ўйланг ва бойинг!» номли китоби сингари катта қизиқиш билан ўқилар, уларнинг ҳар бири айнан ўқувчилар учун ёзилган ва миямиздаги чексиз имкониятларнинг ривожланишини кучайтиришга қаратилганди.

Турган гапки, ушбу китоб сизга ўз-ўзидан бахт ҳам, соғлиқ ҳам, фаровонлик ҳам келтиролмайдди. Аммо буларнинг барига эришишни сидқидилдан истасангиз, китобдан янги ғоялар яратиш, диққатингизни ўз мақсадингизга етишга қаратишда фойдаланишингиз мумкин. Энг муҳими, бу китоб сизни ҳаракат қилишга руҳлантиради.

Сиз соғлом ва бахтли, бадавлат бўлишингиз мумкин. Сизнинг кучингиз чексиз-чегарасиз. Фақат ушбу китобда таърифланган ва ҳақиқий ҳаётий мақсадингизга эришишда кўмаклашувчи омад қоидалари учун керакли нархни тўлашга тайёрмисиз ё йўқ, шунигина аниқлашингиз қолган, холос. Бу сизнинг, фақатгина сизнинг танловингиздир!

Агар оммабоп бу қоидаларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланишга тайёр бўлсангиз, эришмоқчи бўлаётган нарсаларингизни аниқлаб олишингиз лозим. Муайян интилишларингиз, узоқ муддатга мўлжалланган ёки етишингизга яқин қолган мақсадингиз мавжуд бўлса, уларга эришишнинг қоидаларини тушунишингиз, умумлаштиришингиз ва қўллашингиз мумкин бўлади.

Бу қоидаларнинг самарадорлиги борасида аниқ ишонч билан сўзлай оламан, чунки уларни қўллаш

ёрдамида қўлимда бор-йўғи юз доллар пулим бўлгани ҳолда биринчи суғурта компаниямни очишга муваффақ бўлдим. Охир-оқибатда эса тўртта қитъада фаолият юритувчи, кўп миллиардли пул айланмасига эга бўлган AON суғурта компанияси директорлари кенгашининг раиси даражасигача етиб бордим.

Бизнинг минглаб вакилларимиз, ходимларимиз ва мутахассисларимиз энг юқори миқдорда даромад қилишади, чунки кундалик амалиётимизда доктор Хилл томонидан таърифланган қоидалардан фойдаланамиз.

Чикагодаги ўсмирлар клубининг президенти сифатида ишлаган пайтимда, шахсий ютуқлар фалсафасининг доно ҳақиқати қўлланилиши натижасида шахарлик ўсмирларнинг ҳаёти яхши томонга ўзгарганига гувоҳ бўлганман. Қамокхонадаги жазони ўташ вақтида доктор Хиллнинг асарларини ўқиган маҳбусларда жиноят қайтарилиши (рецидивизм) даражаси пасайишини ҳам кузатганман. Ушбу қоидаларга вақтнинг ҳукми ўтмайди, шунга кўра, улардан бугунги кунда ҳам худди «Success Unlimited»-нинг биринчи сони нашр этилган пайтлардаги каби муваффақият билан фойдаланиш мумкин.

Бошқа одамларнинг ва ўзимнинг ишимни баҳолаш натижасида «Энг муҳими – натижа» деган ягона хулосага келдим. Ўзимнинг шахсий тажрибам, шунингдек, менга мактуб йўллаган минглаб одамларнинг тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда айта оламанки, Наполеон Хиллнинг асарлари улардан кучли таъсирланиб, ўз мақсадига эришиш учун қатъий ва сидқидилдан ҳаракат қилувчи инсонларга бахт, саломатлик, ҳукмронлик ва фаровонлик олиб келади.

Ушбу билимлар хазинасига киритилган мақола-лар сизга ҳам фаровонлик олиб келади. Агар Наполеон Хилл тавсия этган формулага амал қилсангиз, унга эргашган миллионлаб инсонлар сингари эзгу мақсадингизга эришиш йўлида фақатгина ўзингиз яратаётган тўсиқларгина мавжудлигини пайқайсиз.

*У. Клемент Стоун,  
Наполеон Хилл Жамгармаси президенти*

## СЎЗБОШИ

Наполеон Хилл мақолаларининг ушбу тўпламининг мақсади – шахсий ва молиявий соҳаларда муваффақиятларга эришишингизда сизни ҳар куни қўллаб-қувватлаб туришдан иборат. У. Клемент Стоуннинг чиройли таърифи бўйича, сабабият худди ўтин ташлаб турилмаса ўчиб қоладиган оловга ўхшайди ва унинг ўчиб қолишини истамасак, мунтазам равишда қўллаб-қувватлаб туришимиз керак.

Ушбу китобдаги эллик иккита мақола йилнинг ҳар бир ҳафтаси учун мўлжалланган. Ҳар бир ҳафтага мўлжалланган мақолани ҳафта давомида ҳар куни қайтадан, иложи борича Наполеон Хиллнинг маслаҳатларига қулоқ тутишга кўпроқ мойил бўладиган муайян вақтингизда ўқиганингиз мақсадга мувофиқ. Мақолаларнинг ҳажми кичик бўлиб, идрок этиш қулай бўлиши учун соддалаштирилган. Аммо уларнинг ҳар бири диққатингизни тортишга қодир. Ушбу китоб устида ишлаётганимда, мақолаларни қайта ўқирканман, ҳар сафар ундан ўзим учун илҳом берувчи янги ғоялар топшимдан ҳайратланардим.

Ишни тугатгач, 30-ҳафта учун мўлжалланган «Оптимист бўлинг» номли мақолани қайта ўқидим. Ўқиганларимдан илҳомланган ҳолда, ўша оқшомда ёқ шу пайтгача истиқболи йўқ деб ҳисоблаб келган лойиҳамга қайтдим ва эрталабгача уни амалга оширишнинг режасини тузиб бўлдим. Бир ҳафтадан сўнг эса ўша лойиҳани сотишга муваффақ бўлдим,



қизиғи, ундан олган даромадим ўзим кутганимдан кўра йигирма фоиз кўпроқ бўлди. Ишончим комилки, агар «Оптимист бўлинг» номли мақолани яна қайта ўқиганимда, натижа бундан-да яхшироқ бўлиши мумкин эди.

Эҳтимол, бу мақолаларни ўқиб, бунчалик тез фойда ололмаслигингиз мумкин. 49-ҳафтага мўлжалланган «Ўзингиз ва ҳаётингиздан мамнун бўлинг» номли мақоланинг ғояси эса узоқ йиллар давомида фойдали бўлади, унинг мазмунини эса йиллар ўтгани сари тобора аниқроқ тушуниб бораверасиз. «Молингизни яхши тарафлама кўрсатишни билинг» деган мақола эса амалиётда зудлик билан қўллай олишингиз мумкин бўлган аниқ кўрсатмаларни беради.

Баъзи мақолалар сиздан жиддий эътибор талаб қилиши мумкин. Уларга бироз кўпроқ вақт ёки қўшимча ҳафта ажратинг. Маълумотни ўзлаштириш орқали эришиладиган ютуқлар тақвимдаги ҳафталарнинг рақамига эмас, балки унга эришишга бўлган хоҳишингизга боғлиқ.

Мақолани ўқиётиб, унинг фойдасини дарҳол кўрмасангиз, кейингисини ўқишга тутинманг. Балки унинг моҳиятини дарров илғай олмагандирсиз, бу эса уни удрок этишга тайёр эмаслигингизни билдиради. Ҳар бир мақолани кўриб чиқиш ва идрок этиш учун етарлича вақт ажратинг. Мақолаларни танлаётганимда, ўзим тўқнаш келган энг қийин вазифа шундан иборат эдики, ҳар сафар четга олиб қўйилган мақоладан чуқурроқ мазмунни топардим. Айнан шунинг учун ҳам китобни ўқиб бўлганингиз ҳамони вақти-вақти билан ўқилганларга қайтиш лозим. Шунда бир қадар тажриба ва кўникмаларга эга бўласиз, ўқилганларингиздан айни пайтда сиз учун долзарб бўлган қимматли фикрларни топа оласиз.

Ҳар оқшомда навбатдаги маълумотларни қайта-қайта ўқиш ўта зерикарли ва бир қолипдаги машғулотга айланмаслиги учун баъзи тавсияларимиз бор:

– Ўзингизни муайян мақолада тасвирланган вазиятнинг иштирокчиси деб тасаввур қилинг. Масалан, «Курашда куч орттирамиз» (5-ҳафта) мақола-сида ўқиган «Кураш ва ғолиб бўл» деган сўзларни ҳақиқий ҳаётдаги вазиятингизда сизга берилган маслаҳат деб қабул қилинг ва ўзингиз енгизишингиз керак бўлган қийинчиликларни аниқланг.

– Ўқиганларингизни овоз чиқариб такрорланг – бу ўқиганларингизни ўзлаштиришни кучайтиради.

– Бирга ишлаш учун шерик топинг (у турмуш ўртоғингиз, ҳамкасбингиз, қўшнингиз ёки дўстингиз бўлиши мумкин). У билан бирга ўқиганларингизни муҳокама қилинг ёки юқоридаги тавсияга амал қилган ҳолда, мақолани бир-бирингизга ўқиб беринг.

– Ўқиганларингизни қўлда, қисқартиришларсиз қайтадан ёзиб чиқинг. Матнни қайта кўчириш сиздан бироз куч ва вақт талаб этади, аммо бунда ёзилганларга нисбатан жиддийроқ ёндашадиган бўласиз. Эҳтимол, шу йўл билан Наполеон Хилнинг «Ўзингнинг ҳақиқий ҳаётингизга, ўз дастурингизга амал қил» деган тавсиясига амал қилаётганингизни тушуниб етарсиз. Ҳар бир сўзни ёзаётганда гап нимада кетаётганини тўлиқроқ англаб етасиз.

Аmmo шу билан сизни уй вазифасини бажаришга мажбур қилаётганлари ҳақида ўйламанг, чунки баҳони ўзингиз кўясиз. Ушбу «дарслик»даги билимларни ўзлаштириш юзасидан олган баҳоларингиз нафақат бир йил, балки кейинги кўп йиллар давомида ҳам асқотади. Агар ушбу китобни оддинроқ ўйлаган мақсадларингизга етиш учун қурол қилиб олсангиз, албатта муваффақиятга эришасиз.

*Мэтью САРТВЕЛЛ*



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2032> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2032> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/2032>